

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 17 март, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53 (11.364)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда саноат корхоналари ва хизматлар кўрсатиш соҳасида касаначилик меҳнатини ривожлантириш асосида кооперацияни кенгайтиришга тааллуқли қонун ҳужжатларининг Андижон вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Самарқанд вилоятида ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг сайёр йиғилишида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятидаги ижроси масаласи кўриб чиқилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга бағишланган долзарб масалалар муҳокама этилди.

● Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2009» Республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

● Тошкентдаги Миллий санъат марказида ташкил этилган «Bazar-Art — 2009» кўргазма-ярмаркасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтдан юзга яқин хунарманд ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

● Андижон шаҳридаги «Golden Berg Servis» шўба корхонаси қошида маҳсулотлар чакана савдосини ташкил қилиш мақсадида «Rizq» фирма дўкони очилди. Хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 20 нафар маҳаллий ёшларга янги иш ўринлари яратилди.

● Наманган тумани Фирвон қишлоғининг бир гуруҳ тадбиркорлари замонавий буюм бозорини барпо этишди. Уларнинг 1 миллиард 200 минг сўм маблағи ҳисобига бунёд этилган мазкур бозорда 150 та шохобча мавжуд. Бундан ташқари, тиквучилик ва бешикчилик устахоналарининг фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

● Андижон вилоятининг Марҳамат туманида «Марҳамат ип-йигирув тўқув» очик акциядорлик жамияти ўз фаолиятини бошлади. Собиқ ип-йигирув фабрикаси ўрнида ташкил топган мазкур корхонада 300 га яқин иш ўринлари яратилган бўлиб, жамият йилга 2,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имконига эга. Тайёрланган маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга мўлжалланган.

ЖАҲОНДА

● Сальвадорда ўтказилган президент сайловларида сўл кучларидан номзод Маурицио Фунес ўзининг ғалаба қозонганини эълон қилди. 90 фоиздан ортиқ бюллетенларнинг ҳисоб-китоби натижаларига кўра, Фунесни 51,2 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватлагани маълум бўлди. Унинг рақиби — бошқарувчи ўн кучлар партиясининг вакили Родригес Авила эса 48,7 фоиз овозга эга бўлди.

● Лондон шаҳри атрофида ўтказилган учрашууда «Катта йигирматалик» мамлакатларининг молия вазирлари Халқаро валюта фонди ресурсларини кўпайтириш юзасидан келишиб олинди. Учрашув қатнашчилари шунингдек, Осмё тараққиёт банки сармояларини ҳам кўпайтиришга қарор қилишди.

● Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакатдаги барча порт ва аэропортларни давлат ихтиёрига ўтказишга қарор қилди. Жойлардаги ҳукуматга қарши муҳолифатда бўлган губернаторлар президентнинг ушбу қарорига норозилик билдиришмоқда.

● Мадагаскар президенти БМТ вакиллари билан муҳолифатга қарши курашиш учун ҳарбий ёрдам олиш юзасидан музокаралар ўтказди.

● АҚШ давлат департаменти мамлакат Конгрессида Ҳиндистонга 2 миллиард доллардан ортиқ суммага қурул-яроғ сотилиши тўғрисида маълум қилди.

● Вьетнамда йирик йўл ҳалокатига учраган россиялик сайёҳлар бугун мамлакат Фавкулдада вазиятлар вазирлигининг махсус самолётида Москвага етказилди.

● Бугун Франция парламенти депутатлари мамлакатнинг НАТОга кириши масаласини муҳокама қилдилар.

● Бугун Таиланд жиноий судида ноқонуний қурул-яроғ савдосида айбланаётган россиялик фуқаро Виктор Бутнинг иши бўйича эшитувлар бўлиб ўтди. Агарда унинг айблари исботланса В.Бут бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

● Кеца Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган ҳукуматга қарши норозилик намойишида бир неча минг киши иштирок этди.

● Америка ҳарбий кучларининг учувчиси бошқариладиган жанговар самолёти Покистоннинг Афғонистон билан чегара ҳудудида жойлашган «Толибон»ларга қарашли қароргоҳга зарба берган. Натижада 15 нафар жангари йўқ қилинган, 50 нафарга яқини жароҳатланган.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Хусусий бизнес

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА «ИҚТИСОДИЙТИМИЗНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ КЎП ЖИҲАТДАН БИЗНИНГ МАВЖУД РЕСУРСЛАРДАН, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ЭЛЕКТР ВА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ҚАНЧАЛИК ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНА ОЛИШИМИЗГА БОҒЛИҚДИР» ДЕЯ ТАЪКИДЛАБ ЎТДИЛАР.



Бунинг учун, албатта, электрэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайитириш, уни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш, исрофгарчилигининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «SHOSH ENERGO SAVDO» шўба хўжалик жамиятининг хусусий оператор сифатида иш бошлаганига бир йил бўляпти. Мазкур корхона шахримизда биринчи хусусий операторлардан саналиб, ўз ишчи «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага кўра туманда электр қувватини қабул қилиш ва етказиб беришдан бошлади. Бугунги кунда эса жамоанинг малакали мутахассислари ўз мақсадларига эришиш йўлида самарали ишланмоқда.

— Аввало, ўз вазифаларимизни аниқ белгилаб олди ва бунга эришиш мақсадида етуқ кадрларни жамлаганимиз, — дейди корхона директори Бахтиёр Халилов. — Шунинг алоҳида таъкидлашим лозимки, электр энергияси энг қимматли ва зарур ресурсларимиздан ҳисобланади. Унинг тежамкорлигини таъминлаш, исрофгарчилигига йўл қўймастик бугунги кунда муҳим саналади. Корхонамиз вазифалари хусусида тўхталиш жоиз бўлса, тумандаги юридик ва жисмоний абонентлар бўйича ахборот-электрон база ташкил қилиш, электр қувватини узатиш бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, замонавий дастгоҳларни жорий этиш, ноқонуний фойдаланишлар ва электр ҳисоблагичлардаги кўрсаткичларни ўзбошимчалик

билан ўзгартиришларга барҳам бериш, фойдаланилган электр қуввати учун вақтида тўловларни ундириш шулар жумласидандир. Ана шу мақсадларимизга эришиш йўлида тинмай ишланаямиз. Электр қувватини узатиш бўйича хорижий корхоналар иш тажрибасини ўрганиш асосида амалдаги электр қуввати тизимини таҳлил этиш ҳамда ижобий жиҳатларини ўзлаштириш, шу асосда электр қувватини ҳисобга олиш ва етказиб беришнинг янги тизимини ташкил этишга эътибор қаратганимиз.

Хозирда корхона тумандаги 425 та юридик ва 10,058 та жисмоний абонентлар билан шартнома асосида ишламоқда. Янги технология усулларини жорий этишга катта эътибор қаратилганки, албатта бу иш самарасини оширади. Бугунги кунга келиб, 100 фоиз юридик абонентларга замонавий электр ҳисоблагичлар қўйилди. Жисмоний абонентлар бўйича бу иш 2009 йил ўрталарида якунланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, юридик ахборотларга АСКУЭ (электр қувватини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими) жорий этилди ва хозирда тест синовларидан ўтмоқда. Жисмоний абонентларни ҳам АСКУЭ тизимига улаш амалга оширилди.

Яна таъкидлаш ўринлики, тўловларни PAYNET орқали абонентнинг шахсий ҳисоб варағига автоматик киритиш тизими ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ҳисобга олиш,

улар билан ҳисоб-китобни амалга оширишда бухгалтерия дастурига ҳамроҳанг биллинг тизими жорий этилди.

Албатта, бу ишларнинг барчаси ўз самарасини бераётгани ўтказилган мониторингларда яққол кўриниб турибди. Абонентлар сонини ўсгани, узатилган электр энергияси учун тўловлар тушуви кўпайгани, шунингдек, фактураланган киловатт-соат миқдори ошганлиги, ана шу натижалар жумласига қиради. Айниқса, мустақил оператор томонидан истеъмолчиларни мунтазам текшириб туриш, ток трансформаторларини алмаштириш, ҳисобга олиш усулларини пломбалаш орқали электр қуввати истеъмолида қатъий назорат ўрнатилди.

Энг муҳими эса истеъмолчиларга айна пайтада мустақил оператор фаолияти аниқ намойён бўлмоқда. Чунки асосий эътибор аҳоли билан ишлашга қаратилган. Уларга ҳаммаша электр қувватидан тўғри фойдаланиш қоидалари тушунтириб борилмоқда. Бу эса ноқонуний улашларнинг олдини олишида, тўловларни вақтида бажаришда, электр энергиясини тежашда катта аҳамият касб этади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: хусусий оператор фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ГЕРМАНИЯЛИК ЮРИСТАЛАР ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жараёнида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга муҳим аҳамият берилмоқда. Жумладан, мазкур йўналишда Ўзбекистон билан Германия ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Яқинда Германия федерал Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жамғармаси тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси делегацияси ГФРда бўлди.

Ташриф давомида ўзбекистонлик юристлар Германиянинг прокуратура ва суд органлари фаолияти билан танишиб, немис ҳамкасблари билан учрашувлар ўтказдилар.

Ташриф доирасида Кельн шаҳри бош прокуратурасида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда мамлакатимизда «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши жараёнларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Германиянинг Ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жамғармаси томонидан мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда Кельн

шаҳри бош прокуратураси раҳбарияти ва ходимлари, Кельн университети, Мюнхендаги Шарк ҳуқуқ тизимини ўрганиш институти, шунингдек, илмий ва жамоатчилик доиралари вакиллари иштирок этишди.

Мамлакатимиз делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х. Ҳалимов иштирокчилар эътиборига юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жозалаш тизимини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни ҳавола этди.

Тадбирда сўзга чиққан Кельн шаҳри прокурори А. Капешки Ўзбекистон миллий қонунчилигида ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда «Хабеас корпус» таъминлашнинг татбиқ этилишини мамнуният билан эътироф этиб, ушбу ҳаракатларни мамлакат ҳукумати томонидан суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш йўлида дадил қадамлар дея таърифлади.

Ўзбекистонда аёллар, вояга етмаганлар ҳамда ёши 60 дан ошган одамларга жазо беришни енгиллаштириш борасида эришилган муваффақиятларга эътибор қаратар экан, немис юристи Гер-

манияда бу каби чора фақат вояга етмаганларга нисбатан амал қилиниши таъкидлади. Шу боис у Германия томони мамлакатимизнинг мазкур йўналишдаги тажрибасини ўрганиб, бу борада ўзбекистонлик ҳамкасблари билан фикр алмашишдан манфаатдор эканини қайд этди.

А. Капешкининг фикрича, гарб давлатларининг ҳуқуқ соҳасидаги тажриба ва таъминлашларини кўр-кўрона кўчириб олиш мумкин эмас ва бу жараёнда ўз халқининг дунёқарашини ва анъаналарини инобатга олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода у ҳуқуқий ислохотларнинг ўзбек моделини ижобий баҳолади.

Давра суҳбатиде сўзга чиққан Ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жамғармаси лойиҳалари раҳбари Христиан Хьюк ГФР Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни қизиқиш билан кузатиб боришини таъкидлади.

Х. Хьюкнинг айтишича, немис жамғармаси билан Ўзбекистон ҳуқуқий муҳофаза қилиш муассасалари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, унинг истиқболлари анча ёрқин. Германиялик мутахассиснинг фикрича, томонлар Ўзбекистон прокуратураси ходимлари малакасини ошириш, айниқса «Хабеас корпус» институтини жорий қилиш, специфик ходисаларни тергов қилиш ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш имкониятига эга.

Экспертнинг сўзларига кўра, малака ошириш курслари нафақат Ўзбекистонлик, балки германиялик юристлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Бу каби тадбирлар ўзаро фикр алмашиш ҳамда Ўзбекистоннинг бир қатор масалалар, жумладан суд ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги тажрибасини ўрганиш учун фойдали бўлади. Бу эса, ўз навбатида, Германия суд-ҳуқуқ тизими ҳамда юриспруденциясини такомиллаштиришда қўл келиши мумкин.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин

Инсон ва қонун

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини тақомиллаштириш масаласига мамлакатимизда доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётди.

Жорий йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, 15 мартдан 15 апрелга қадар мамлакатимизда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Анвар СУЛАЙМОНХУҲАЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати бу борада амалга оширилаётган ишлар, ойлик доирасида режалаштирилган тадбирлар хусусида бўлди.

— Йўли раёоннинг иши раён, дейди доно халқимиз. Бу эгу ният истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан тўла амалга ошди, — дейди А. Сулаймонхўжаев. — Чунки нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам йўллар халқро андозалар талаблари даражасида қайта қурилди, кенгайтирилди. Эътиборлиси, йўл ҳаракати қоидаларига оид белгилар ёрқинроқ акс эттирилди. Бу фуқароларимизга яратилган қулайлик бўлиши билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани ҳам йўлларда хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётди. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчилик билан шундай воситаларни ўрнатиш ҳам тақиқланди. Бундай чора-тадбирлар ҳайдовчиларнинг рўлда чалимасли-

радаги ишлар самарасидир. Шунингдек, "Дикчат, болалар", "Табит", "Дикчат, пидеа", "Яшил чирок" каби мунтазамлик касб этган тадбирлар ёшларга йўл қоидаларини қизиқарли мисоллар билан тушуниришда қўл келмоқда.

Ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"нинг анъанавий тарзда ўтказилиши соҳадаги ишларни янада тақомиллаштиришга замин яратди. Тадбирнинг айна баҳор палласида ўтказилиши бежиз эмас. Қишнинг қировли кунлари зарар етган йўл белгилари ва бошқа воситалар таъмирга муҳтож бўлиши табиий ҳол. Шунинг эътиборга олиб транспорт ва пидедалар, жумладан, болалар ҳаракати серкатнос бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни қўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тақрирлар тайёрлаш ва бартараф этиш чоралари қўрилади. Ҳайдовчи пидеани ҳушёрликка чорловчи реклама воситалари ўрнатилади. Аҳоли орасида бу борадаги профилактик тадбирлар қучайтирилади.

айби билан содир бўлган.

Пидедаларга қулайлик яратиш мақсадида транспорт серкатнос қўчаларда махсус ер ости йўллари қурилган. Лекин, афсуски, пидедалар бундай қулайликдан фойдаланиш ўрнига йўлдан югуриб ўтишни хуш кўради. Ачинарли томони шундаки, катталарнинг йўл қўяётган хатоларини болалар тақорламақда. Бунинг натижасида бирор-бир фалокат содир бўлса, зинҳор айбни ўзимиздан, эътиборсизлигимиздан қидирмаймиз. Маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йил давомида йўлларда болалар иштирокида жами икки мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, инсон ҳаётини асраш — бизнинг бош мақсадимиз. "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"да бу борадаги ишлар янада қучайтирилади. Албатта, ишимизнинг самарадорлиги қўп жиҳатдан бу тадбирда бутун жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этишига ҳам боғлиқ.

— "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" доирасида транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини, ўқув юрларида, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш ишларини янада яхшилаш чораларини кўриш масаласида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛИШ — ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

ЙўЛЛАРДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚАТНОВИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ГАВЖУМЛАШИБ БОРМОҚДА. БУ ЎЗ-ЎЗИДАН ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. ГОҲ ҲАЙДОВЧИ, ГОҲ ПИДЕДАНИНГ АЙБИ БИЛАН ТУРЛИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ СОДИР БЎЛАЁТГАНИ ХАМ АНА ШУ ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛМАСЛИК, МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК НАТИЖАСИДИР.

камлаш муҳим аҳамиятга эга. Ойлик доирасида бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, йўл қоидасини барча бирдек билиши ва амал қилиши талаб этилади. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари нафақат қўчаларда транспорт воситалари ва пидедаларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини назорат қилади, балки ўқув муассасаларида, жамоат жойларида, маҳалла, корхона ва ташкилотларда, хусусан ҳайдовчилар орасида кенг қўлламли тарғибот ишларини ҳам олиб боради.

Таълим муассасаларида фарзандларимизга йўл ҳаракати қоидаларига оид илк сабақлар берилмаётгани эътиборга лойиқ. Болаларнинг қизиқишлари инобатга олиниб, ўрта таълим мактабларида "Ҳаракат хавфсизлиги ёш инструкторлари" клублари, "Ёш автотазоратчилар" гуруҳлари ташкил этилган. Уларнинг ҳаракат хавфсизлигига оид халқро миждса ўтказилаётган қатор танловлар голиби бўлгани бу бо-

Аммо шунга қарамай, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига белансидан муносабатда бўлиш ҳоллари кузатишмоқда. Баъзи ҳайдовчилар рулга ўтирар экан, нафақат ўзи, балки машина салонига бўлган бошқа кишилар, ён-атрофдагилар ҳаёти учун ҳам масъул эканини чўқур ҳис этмайди. Ўтган йил давомида йўлларда 4,5 миллионга яқин қоидабузарлик аниқлангани ҳам бунинг тасдиқлайди. Вақтида қўрилган чора туфайли қанчадан-қанча йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинди.

Содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шунини кўрсатадики, пидедалар иштирокидаги турли кўнгилсизликлар сони ортиб бормоқда. Йўлларда, қўп ҳолларда катта кичик кўчани истаган жойидан кесиб ўтаётганига гувоҳ бўламиз. Маълумотларга қўра, ўтган йил мобайнида пидедаларни уриб юбориш билан боғлиқ 5,5 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Унда минг нафарга яқин инсон ҳаётдан қў юмди. Бу ҳодисаларнинг кўпчилиги бевоқиф пидедаларнинг

Йўл қоидасига амал қилиш ҳар биримизнинг хавфсизлигимиз кафолатидир. Ҳар кун яхши ният билан остана ҳатлаб кўчага чиқишимиз билан йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Доимо ҳушёр ва эътиборли бўлиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш ниятимизга этишнинг оддий йўли эканини унутмайлик.

ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

БУГУНГИ КУНДА ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИНГ САҚЛИНИШ, ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАМ ХИЗМАТЛАРИ КАТТА.

Маҳаллаларда ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИККА МАСЪУАМИЗ

Жумладан, Собир Раҳимов туманидаги «Янги Сабзор» маҳалласида жойлашган 201- милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, капитан Шерали Юнусов ва профилактика инспектори, лейтенант Ботир Собировларнинг маҳалла ахли билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда доимо тинчлик-хотиржамлик ва ҳамжихатлик ҳукмрон. Тартиб-интизом бор жойда эса ҳамиша ишлар кўнгилдагидек бўлади.



Обод ва саранжом-саришта хонадондан кутбарака аримайди. — Маҳалла мизда 4550 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда профилактика инспектори, капитан Шерали Юнусов. — Уларнинг ўзаро аҳилликда тинч-тотув яшашлари, ишга ёки ўқишга вақтида бориб-келишлари, бекорчи бўлиб кераксиз ишлар билан чалинмасликлари, айниқса юрт ишончи ва умиди бўлган ёшларнинг таълим-тарбияли, одоб-ахлоқли бўлиб воғга этишлари, воғга етмаган ёшларнинг турли ёт гоғлар таъсирига тушиб адашмаслигига эришишга асосий эътибор қаратамиз. Шунингдек, маҳалламизнинг озода ва саранжом-саришта масканлар қаторида бўлиши, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг спорт билан имкон қадар шуғулланишларига шароит яратиш, аср вабоси бўлган гивандлик, ОИТС ва кашандаликка қарши кураш олиб бориш, терроризм, одам савдоси каби иллатларнинг олдини олиш, паспорт тизими бўйича профилактик тадбирларни ўтказиш, кимлар келиб, кимлар кетаяпти, ижарага қўйилган фуқароларнинг насл-насаби, касб-хунаридан хабардор бўлиш кабилар ҳам бизнинг зиммасида. Албатта амалга оширилаётган ишларимизнинг барчаси маҳалла фуқаролар йигини раиси Мунира Солихова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маъсуда Муродбекова, посбонлар ва фаоллар билан биргаликда, ўзаро маслаҳатлашиб, келишиб олиб борилади. Шунинг учун ҳам маҳалламизда жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди, аҳоли бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаб келмоқда.

Айни кунларда ўлкамизга баҳор фасли билан кетма-кет қириб келаётган чиройли байрамларни ва ниятат гўзал пойтахтимиз Тошкент азияминг 2200 йиллигини муносиб қутиб олиш учун катта тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз. Ҳаммаёқни орасталаб, байрамнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиб, тушунириш ишларини олиб бормоқдамиз. Мақсадимиз элимиз, юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва тинчлик-осудалигини сақлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Дарҳақиқат, тинчликни сақлашдек хайрли ишга ҳисса қўшишдан ортиқ масъулият, айни дамда шарафли иш йўқ бу дунёда. Тинчлигимиз посбонларига ҳамиша соғлиқ-саломатлик ва куч-ғайрат тилаймиз.

Қарор ва ижро ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУФ

БУГУНГИ КУНДА ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЛАРДА САНАЛМИШ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН БЎЛИБ, БУ БОРАДАГИ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИГА ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ҲАМ КЕНГ ЖАЛЕ ЭТИЛМОҚДА.

Бу йўналишда Ўзбекистон «Маҳалла-жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан ҳам бир қатор тадбир ва анжуманлар ўтказилиб келинмоқда.

— Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Одам савдосига қарши курашиш масъулдорлигини оши-

риш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорининг мазмун-моҳиятини кенг халқ оmmasига етказиш мақсадида мутаассад ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда шаҳримиздаги бир қатор маҳаллаларда 40 дан ортиқ давра суҳбатлари ташкил этилди, — дейди Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Хайдарали Қораболаев. — Етук мутахассислар, олим ва эл

эъозидоғи инсонлар иштирок этган Бектемир туманидаги «Роҳат», Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳумоюн, «Шалол», Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой», «Ёшлик», Сергели туманидаги «Иттифок», «Кичик», Ҳамза туманидаги М. Улуғбек, «Янгиобод» ва бошқа маҳаллалардаги тадбирларда катнашганлар бир олам таассурот ва зарур маслаҳатлар олдилар. Шунингдек, «Тасви-

Анжуманлар МАЗМУНИ ВА САМАРАСИ ЎТДИ

Яқинда адлия вазирлиги ҳузуридаги суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан «ИЖРО ИШНИ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУН ҲУҲЖАТЛАРИГА ЎЗГАТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ Тўғрисида»-ги ҚОНУН ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг расилари ҳамда судьялари, Тошкент шаҳри ва туманлар прокураторлари, Тошкент шаҳар Адлия, Давлат солиқ бошқармалари бошликлари ва ходимлари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда бошқармалари бошликлари, Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси тижорат банкилари, Суд департаментининг масъул ходимлари, суд ижрочилари, ҳуқуқ соҳасининг етук олимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маъзур тадбирни ташкил этишдан мақсад, ушбу қонунни яна бир бор ўрганиб чиқиш, амалиётдаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг қонуний ечимини топишга қаратилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби ижро иши юртишни ислоҳ этиш борасида ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 2001 йил 29 августда ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»-ги Қонун қабул қилингани ислохотлар жараёнида муҳим қадам бўлди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ижро иши юртиш самарадорлигини ошириш билан бирга фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш кафолатларини янада қучайтирди. Шунингдек, қонунга қўра суд ижрочиларига бир қатор процессуал ҳуқуқлар берилди, уларнинг зиммасига маълум масъулиятлар юклатилди.

— Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўча кирганлигини инобатга олиб, бундан бевён ижро ҳужжатлари ижросини маъзур қонун талабларига қатъия риоя қилган ҳолда амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман, — деди тадбирда сўз олган Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқар-

маси бошлиғи Ж.Фулмов.

Тадбирда шунингдек, Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Мирзохид Обидов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Мирали Мирраҳимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокураторасининг суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси прокурори Фарҳод Абдувалиев, Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармасидан Тимур Файзуллаев, Суд департаментининг Ҳўжалик судлари қарорларини ижро этиш бўлимида Бенқоз Юсуповлар сўз олиб қонунни тайёрлаш жараёнида мажбурий ижро соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва халқро тажрибани таҳлил қилиш натижалари ҳисобга олинганлиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Кенг доирада ўтказилган семинар сўнггида йиғилганларни қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоблар берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ

СИФАТ МАЪСУЛОТНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТИ БЎЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРГА ХАРИДОРЛАР САФИ ОРТИШИ, ШУБҲАСИЗ.

Айниқса, ушбу товарларнинг четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини боса олиши, экспортга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритаётган «SUVMASH» акциядорлик жамиятида ҳам цехларни янги технологик линиялар билан жиҳозлашга, кадрлар малакасини оширишга қаратилган эътибор боис кейинги йилларда рақобатбардош насос агрегатлар турлари ортиб бормоқда. Бугунги кунда корхонада ана шундай агрегатларнинг 40 дан зиёд турлари ишлаб чиқарилмоқдаки, улар мамлакатимиздаги турли ташкилот, компания, муассаса, фирма, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларига қўл келмоқда. Ўтган йилда корхона маҳсулотлари қаторига яна 2 та агрегат қўшилди. Корхона малакали мутахассисларнинг изланишлари самараси бўлган АЗОГС (03/7) ва СМН 200/5 насос агрегатлари фермер хўжаликлари учун мўлжалланган, илҳам ва қулайдир. Корхонада айни кунларда тайёрланаётган насос агрегатлари рақобатбардош бўлиб, бундай товарлар илгарилари Болгария ва Ҳамдўстлик давлатларидан олиб келинарди.

Корхонанинг техник-конструкторлик бўлими бошлиғи Виктор Холматовнинг таъкидлашича, жамоада ISO 9001-2000 халқро стандарти сифатига мос келувчи менежмент тизими йўлга қўйилганлиги боис ҳам харидор талаби ички ва ташқи бозорда мунтазам ўрганиб борилади ҳамда бюртмачиларга яратилган янги маҳсулот турлари ҳақида маълумот бериб боришмоқда.

Ўтган йилни муваффақиятли яқунлашга муваффақ бўлган тадбиркорлар, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 9 миллиард 144 миллион сўмликка етказишди. Олинган соф фойда эса бир миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулот турларини қўпайтиришга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШ, АЛБАТТА ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАҚИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУ БОИС ҲАМ СОҲА РИВОЖИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Тадбиркорларимиз эса ана шу эътибор асосида яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб эркин фаолиятларини ташкил этишмоқда. Шаҳримиздаги «Корол-каштан» хусусий фирмасида ҳам бозорни ўрганган ҳолда маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Бугунги кунда корхона ишчи-хизматчилари ёғочни қайта ишлаш асосида сифатли мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Улар бюртмага асосан фаолият юритиб, мебель турларини қўпайтиришмоқда. Шунинг баробарида тадбиркор жамоа ахли бунёдкорликда кенг қўлланиладиган мебель ва ёғоч ашёларини ҳам тайёрлашмоқда.

— Бугунги кунда биз «Излаган имкон топади», нақлига амал қилаёلمиз, — дейди корхона раҳбари Рустам Маматов. — Юртимизда бунёдкорлик ишлари қўлами авж олган ҳозирги даврда қурилиш ишларида ҳам фаолилик кўрсатаёلمиз. Бунинг учун тендерларда фаол иштирок этмоқдамиз ва жамоамизда малакали бунёдкорлик бригадаси жамланган.

Жорий йилда хусусий корхонада мебель маҳсулотларининг замонавий харидориги турларини қўпайтириш ҳамда бунёдкорлик майдонларида ғайрат-шижоат кўрсатиш қўзда тутилган. Улар ўз фаолиятларида сифат ва самарадорликни таъминлашга интилишмоқда.

ИНТИЛИШ САМАРАСИ

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ ТИКУВЧИЛИК СОҲАСИДА ҲАМ ЯХШИ САМАРА БЕРАЁТГАНИ БАЗОРЛАРИМИЗДА, ДЎКОНЛАРИМИЗ ПЕШТАХТАЛАРИДА ХАРИДОРНИ ТОПАЁТГАН МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИМИЗДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТИЛМОҚДА.

Учтепа туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Насиба Даурова ҳам ўзи очган кичик цехда 10 нафар хотин-қизга иш ўринлари яратган. Ушбу кичик цех хорижий тикув машиналари билан жиҳозланган бўлиб, маҳсулот сифатини таъминлашда чеварларга қўл келмоқда.

Яхши дизайнер-модельер бўлишни орзу қилган Насиба Даурова ўз устида тинмай изланади, бозорни ўрганади, чет эл каталогларидан фойдаланади, шарқона анъаналаримизга эътибор қаратади. У назарий билимларини Тошкент политехника коллежидан олган. Ҳозирда эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олмоқда.

— Пойтахтимизда ўтказилаётган танловларда ўзим тайёрлаган либослар дизайнини намойиш этаман, тадбиркорлик учун яратилган бир имкониятдан унумли фойдаланаман, — дейди ёш дизайнер уста. — Келгусида ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий билимларимни ошириб, фирма ташкил этишни қўзда тутганман. Ҳам сифатли, ҳам рақобатбардош либосларни ҳамюртларимга тақдим этаман.

Хусусий тадбиркор томонидан яратилаётган ва чеварлар тикаётган кийим-кечаклар бугунги кунда «Чилонзор» буюм бозорида харидорларга етказиб берилмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Кишининг омонатиға хиёнатни раво кўрмагин.

Рост сўзлагучининг ҳамиша роҳати олдида.

ҲАКИМ САНОИЙ

Фоний бу жаҳон дарду гами ҳою ҳавас, Тириклиги ўлим ораси бир нафас, Келгунча кўлингдан яхшилик айлаки, бас, Ҳеч бир кишига дунё вафо қилган эмас.

ШОҲ НЕЪМАТУЛЛО ВАЛИЙ

Қуш саҳродаю балиқ эса дарёда, Қуш кечиради ҳар бири бир маъвада, Ўт ичра самандар хушу хуррам яшаса, Қушлар териб ейди ризкини ҳавода.

Жон хаста экан, қилса даво соз бўлади, Кор қилса даво, ишинг бажо, соз бўлади. Биз гар тикан эксақ, ҳосили гул бўлмас, Бас, яхшилик этса доимо соз бўлади.

Олим агар эзгулик этар — оқил ўша, Илмига агар этмас амал — гофил ўша. Олимдан агар амал талаб этсаю или, Олим агар этмаса амал — жоҳил ўша.

Хирсу ҳасаду адовату кину риё, Инсонга азалдан то абад бўлди бало. Мард этагининг гардиға ҳам этмассан, Дил барча қусурлардан пок бўлмаса то.

То келса кўлингдан яхшилик қил бегумон, Кўрмас киши яхшиликдан асло зиён.

Ҳеч ким сенга яхшилик агар қилмасада, Доим қилавер яхшилик ошқору ниҳон.

ШАЙХ АҲМАДИ ЖОМ

Ишқ бир кўзгу — унда сира занг бўлмас, Бу борада ҳеч мунозара, жанг бўлмас. Шундай кишига ишқ муассар бўлади То бўлса-да бадном, дили танг бўлмас.

Ғам оламидан гоҳида кетгинг келади, Гоҳ мангуға истикомат этгинг келади. Ўтган ҳаётингда қойил этдинг нимани, Энди ғўзал оқибатга етгинг келади?!

КАМОЛИДДИН ИСМОИЛ

Тиг урса ажал, минг бир қалқон ҳечдир, Молу амалу дабдабаю шон ҳечдир. Ҳар яхши-ёмонини жаҳоннинг кўрдик, Яхшиликдан ўзгаси ёлғон, ҳечдир.

Ўзингга қидирма ўзгалардан малҳам, Ҳар дардиға дилнинг сен ўзинг бўл маҳрам,

Хилватга чекину ўз ғаминг е ҳар дам, Дунёда тополмайсан ўзингдек ҳамдам.

Умринг сени ўтди бекор зоеъ бўлиб, Шундай бир азиз бойлик хор, зоеъ бўлиб. Фарёд ўша дамданки, сен огоҳ бўлсанг, Тарк этди текин неъмат зор, зоеъ бўлиб.

Сийлар бўлса, ғам ила сийлар даврон, Узмокча тикансиз гул ҳеч йўқ имкон. Ҳеч нарсаи берган эмас-у бекорға, Охир-оқибат олишни истаркан жон.

Дер эди сув бўйида бир қушгина — Булбулгина, латифина, хушгина: «Бўлмайдю зару лаълу зумуррадни еб, Ўхшайдю-ю гулға, хиди йўқ ҳечгина».

Тонг боққа етақлади мени дарди ниҳон, Ҳол тили билан булбул этар гулға баён: «Чик ғунчалинг пардасидану шод бўл, Бу боғда очилди қанча гуллар бегумон».

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«Тошхадартрансхизмат» уюшмаси жамоаси «Чуқурсой автокорхонаси» очик акциядорлик жамиятининг бошқаруви раиси Баҳодир Саидмуродович Султоновга падари бузуқвори

САИДУРОД отанинг

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г - 206.



Кўрик-танловлар ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ АМАЛДА КўРСАТИШДИ

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД РЎҲИЯТИДА АМИР ТЕМУР, МИРЗО УЛУҒБЕК, АЛИШЕР НАВОИЙ, ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР, НОДИРА, УВАЙСИЙ СИНГАРИ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЎЛМАС МЕРОСИНИ СИНГДИРИШ, УЛАРНИ ТОМ МАЪНОДАГИ ВАТАНПАРВАР ШАХСЛАР ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ БУГУНГИ КҮН ПЕДАГОГИКАСИНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.



Юнусобод туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан 235-сонли инглиз тилига ихтисослаштирилган мактабда бўлиб ўтган «Балли, қизлар» кўрик-танлови ҳам айни шу жиҳати қамраб олганлиги билан эътиборлидир. Унда мактабнинг иктидорли ўқувчилари, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа вақиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Кўрик-танловни мактаб раҳбари Мумина Сулаймонова очиб деб эълон қилар экан, бугун мамлакатимизда ёш авлод истеъдодини рағбатлантиришга хизмат қиладиган жамғармалар ташкил этилаётгани, бир сўз билан айтганда, чинакам қобилият эгалари давлатимиз ҳимоясида эканлигиға тўхтади. Шундан сўнг «Чинор» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси Холида Фозилова, фахрий муаллима Шоира Бойматовалар сўзга чиқиб, кўрик-танлов иштирокчиларига муваффақият тилашди.

— Ҳозирги кун педагогик технологиясида ўқувчиларнинг касбга доир қизиқишларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади, — дейди мактаб директори ўринбосари Дилшода Зойтова биз билан суҳбатда. — Кўрик-танловимизни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шунда. Ўйлайманки, ўқувчиларимиз бу борадаги эгалардан кўникмаларини ҳар бир шарт мисолида очиб беришга ҳаракат қилишад.

Бинобарин, мактабнинг 9-синф ўқувчиларидан иборат бешта жамоа аъзолари ўзини таништириши, касбга бўлган қизиқишларини намоён этиши, торт бешта, пазандчилик маҳоратини кўрсатиши, соҳ турмақлаш борасидаги қобилиятини амалда кўрсата олиши лозим бўлди.

Кўрик-танлов ақунида гоилибларга рағбатлантирувчи совғалар тақдим этилди. Мактаб хаваскорлари иштирокида тайёрланган қизиқарли бадий қисм йиғилганларга илиқ қайғити ўлашди.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: «Балли, қизлар» кўрик-танловидан лавҳалар. Санжар Турсунбоев олган суратлар.

Шарҳловчи минбари

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНИКА ТОБОРА ТАРАҚҚИ ЭТАЁТГАН ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ПАЙДО БЎЛАЁТГАН ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИ ЖИДДИЙ ТАШВИША СОЛМОҚДА. ҚАНЧАЛИК АЖАБЛАРЛИ БЎЛМАСИН, ТЕХНИКА ТАРАҚҚИ-ЭТИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ОЛИБ КЕЛАЁТГАН ОМИЛЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

Олимларнинг таъкидлашича, икки кўтбада ҳам муз қатламлари жуда тез эримокда. Чунки, сўнгги беш йил ичида икки триллион тоннадан зиёд муз эриган. 2003 йилдан буён уммонлар сатҳи ярим сантиметрга кўтарилган. Шу даврда Гренландияда эриган муз суви билан Байкал кўлини тўрт марта тўлдирish мумкин экан. Хабарларга қараганда, уммонлар сатҳининг бу қадар тез кўтарилиши катта тошқин хавфини тугдиради.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг маълумотларига қараганда, иқлим ўзгариши, тропик ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши ва ноқонуний ов еридаги маймунларнинг ўлдирилиши билан бир қисми қирилиб кетишига сабаб бўлган. Ҳозирги кунда уларнинг 394 тури мавжуд бўлиб, орангутан, горилла каби 114 зоти йўқолиб бораётди.

Жорий йилнинг февраль ойида Мароқашда ўттиз сантиметр қалинликда қор ёққани глобал иқлим ўзгариши оқибатида рўй бераётган ғайриоддий ҳолатлардан биридир. Бу мамлакатда қутилмаганда ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида ўттизга яқин киши ҳаётдан кўз юмган.

АҚШ ва Европа мамлакатларида бу галги қиш мавсуми нисбатан анча совуқ келди. Каттик совуқ ва ёнғирчилик кўп одамнинг умрига

зоим бўлди. Австралияда эса, аксинча, ҳаво ҳаддан ортиқ исиб кетди, ҳарорат рекорд кўрсаткич — 46 даражага чикди. «Яшил кўтба»да бундай ҳолат бир асрдан буён кузатилмаган. Иссиқ ҳаво ўрмон ёнғинларини авж олдириди. Австралия кўтарув хизматининг маълум қилишича, бир неча кун давом этган ёнғин тўрт квадрат километрдан зиёд майдондаги ўрмоннинг кулини қўққа соғурган.

Бугунги кунда дунё миқёсида экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган БМТ конвенцияси ва Киото протоколи каби халқаро ҳужжатларда белгиланган вазифалар — иқлимга антропоген омилларнинг таъсирини аниқлаш, «иссиқона ҳолати» ҳосил қилувчи манбаларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Хусусан, Японияда глобал иссиқга қарши курашишга қаратилган янги қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, саноат муассасалари, заводлар, университетлар, дўкон ва меҳмонхоналар 2020 йилга бориб ҳавога чиқараётган зарарли газларни 15-20 фоиз қисқартириши лозим. Янги қонун 2010 йилда қўққа кирди.

Канада ҳукумати ҳам ҳавога чиқарилаётган ва табиий мувозанатни бузадиган газларни қамайтиришга оид лойиҳани амалга ошириш ниятида. Ушбу лойиҳада нефть қимёси саноати корхоналари ва иссиқлик электр

станциялари ҳавога чиқариб зарарли газларнинг муайян миқдорини йиғиб, қайта фойдаланиши кўзда тутилган. Лойиҳадан кўзланган мақсад 2020 йилга бориб, зарарли газлар ҳажминини йигирма фоиз қисқартиришдан иборат.

Дунё олимлари глобал иссиқга қарши курашишнинг янги усулини яратди. «Current Biology» журналининг ёзишича, унга қўра селекция йўли орқали ўсимлик барглари ялтироқ тусга киритилди. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, ялтироқ барглари қуёш нурларини қайтариш хусусиятига эга. Бу усул экинлар альбедосини (нурни қайтариш хусусияти) йигирма фоиз ошириш имконини беради. Шу тариқа сайёрамизда ҳароратни бир даражага ташириш мумкин экан. Бироқ, экспертларнинг сўзларига қўра, ўсимликларни бу тарзда модификация қилиш ҳосил умумдорлигиға салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис бу усулга қишлоқ хўжалиги компанияларининг эътироз билдириш эҳтимоли бор.

Олимлар сайёрамиздаги барча уйларнинг томини оққа бўяш ҳам глобал иссиқга қарши курашишга хизмат қилиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Ирода УМАРОВА, ЎзА

ларга қараганда етти-саккиз баравар кўпчиликини ташкил қилади. Диабетнинг 1-турида ошқозон ости безининг шикастланган бета ҳужайралари инсулинни умуман ишлаб чиқармайди ва беморлар танасига инсулинни мунтазам юбориб туриш зарур бўлади. 2-турида бета ҳужайраларда инсулиннинг синтезланиши сусаяди ва периферик тўқималарда инсулинга сезирлик қамаяди. Тана тўқималарининг инсулинга нисбатан сезирлигининг кескин пасайиши оқибатида ишлаб чиқарилган гормон тўла даражада ўза самарасини бермайди. Шу боисдан, 2-турнинг ўзига хос хусусияти шуки, у аста-секин, яширин тарзда ривожланади ва кечади. Касалликнинг бу тури

лигиға олиб келиши ва инсулинга муҳтожлик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин.

Қандли диабет бир умрлик касаллик бўлиб, бутун ҳаёт давомида даволашни тақозо этади. Уни даволашдан асосий мақсад, иложи борича қондаги қанд миқдорини мевърий кўрсаткичга яқинлаштиришдир. Беморнинг аҳоли кўп жиҳатдан ўзининг шахсий куч-ғайратига, даволашни талабларига риоя қилишига, тўғри овқатланишиға боғлиқ. Ана шунда у ўзадаги хасталикни тўлиқ назорати остиға олиши мумкин. Агар шунга эришса, қондаги қанд миқдорини йўл қўйиладиган даражада тутиб турса, диабетнинг кечки асоратлари ҳам ўзаға келмайди. Буни тасдиқловчи мисоллар ҳаётда жуда кўп.

Бу касалликнинг олдини олишда бир қанча муолажа усуллари мавжуд. Шулардан бири алоҳида кишиларда ёки дарди хавфи гуруҳларда ҳаёт тарзини кескин ўзгартириш йўлидир. Иккинчиси хасталик асоратларининг олдини олишни назарда тутати. Учинчи усул қандли диабетнинг намоён бўлган асоратлари ривожланишини тўхтатиш билан боғлиқ. Бироқ шунинг таъкидлаш кераки, касалликнинг олдини олишда энг муҳими, унга барвақт таххис қўйишдир. Жисмоний машқлар, ҳаракатда бўлиш, тўғри овқатланиш, руҳий ва жисмоний зўриқишдан фориғ бўлиш, тана вазнини мевърида сақлаш ушбу даргда чалинмасликда ва олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, болаликдан бошлаб тўғри овқатланишининг, соғлом турмуш тарзининг инсон саломатлигиға тутган ўрни бекёкс эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Гулноза МАҲМУДОВА, Эндокринология илмий-тадқиқот институти шифокори

Шифокор маслаҳати ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ—ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ЕР ЮЗИДА ЭНГ КўП ВА ТЕЗ ТАРҚАЛАЁТГАН КАСАЛЛИКЛАРДАН БИРИДИР. БУ ДАРДДАН АЗИЯТ ЧЕКАЁТГАНЛАР ЙИЛ САЙИН КўПАЙИБ БОРМОҚДА. БУТУНЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ УЛАРНИНГ СОНИНИ 246 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД (2007 ЙИЛ ҲОЛАТИДА) ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. 2025 ЙИЛГА БОРИБ БУНДАЙ БЕМОРЛАР СОНИ 300 МИЛЛИОНДАН ОРТИШИ ТАХМИН ҚИЛИНМОҚДА. БУ ХАСТАЛИКНИНГ ТОБОРА ОММАВИЙ ТУС ОЛАЁТгани, ИНСОНИАТ ҲАЁТИГА ЖИДДИЙ ҲАВФ СОЛАЁТгани БАРЧАДА ТАШВИШ ЙўТМОҚДА. ХўШ, ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ? КАСАЛЛИК БИЛАН ҚАНДАЙ ҚУРАШИШ МУМКИН? УНГА ЧАЛИНМАСЛИК ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЛОЖИ БОРМИ?

ривожланса, гетероген, кўз, томирлар, юрак, буйрак, жигар ва асаб тизимининг жиддий асоратларига олиб келади. Бу асоратлар қандли диабетнинг кечки асоратлари бўлиб, ойлар, йиллар, ўн йиллар давомида ривожланади. Уларнинг сабаби битта—қонда қанд миқдорини юқорилик. Агар бемор тўғри даволанса ва талабларга қатъий риоя қилса, бундай асоратларнинг ривожланишини кечиктирган кеч олдини олган бўлади. Унутмаслик кераки, 2-турдаги нисбий инсулин танқислиги йиллар давомида танада инсулин абсолют етишмовчи-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! 1. 2009 йил 7 апрел кўни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақрибан, Тошкент шаҳар Яқозарой тумани суд ижроиялари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳужуқли судининг 18.12.2006 йилдаги 10-0610/13548-сон, 25.07.2007 йилдаги 10-0718/6855-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11834-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11835-сон, 12.02.2008 йилдаги 10-0718/13363-сон, 26.08.2008 йилдаги 10-0804/8759-сон, 25.11.2008 йилдаги 10-0804/13223-сонли иккери варақаларига асосан қўйилган мол-мулкларни қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Яқозарой тумани Хултепа кўчаси, 8-ўй манзилида жойлашган, «Республика кишлоқ хўжалиги ва эҳтиёт қилмалари базаси» таъминоти, умумий майдони 5588 кв. м. бўлган, 7 та иншоот, 5 та шайтон, 1 та ҳовуз ва 1 та спотнингдан иборат бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 217 800 000 сўм. 2. Республика кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўз. кишлоқ журнали хўжалиги Комиллов Мада салтанайтган, «Нексия» русумли, д/р 10АУ378 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12060000 сўм. 3. Тошкент шаҳар «Сабзор» жазирча майдонигада салтанайтган, «Матиз» русумли, д/р 10ВВ330 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 450 000 сўм. Мақдур автотранспорт воситалари билан туман суд ижроиялари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кўн қилганда тўхтатилади. Ушбу савдосида қатнашиш умун талабдорлар «Савдо ташкилотини» билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк умунлоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида иккери ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотини — РКМБнинг АТИБ «Илҳом» банк-С.Р.Думқов-даги қўйилган қисиб-рақамга қўйилган шарт: к/р 20210000500571452105, МФО 09091, ИИН 4200833850. Манзил: Тошкент ш., С.Р.Думқов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-ўй. Тел: 228-79-52. www.rfmb.uz

ДУК «Сувсоз» трести Энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2009 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳри аҳолиси учун ичимлик суви ва оқва сувларнинг тарифлари қайта киритилишини хабар қилади: Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 55 сўм 10 тийин, ҚҚСсиз Оқва сув бўйича — 1 м³ учун 35 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз

ДУК «Сувсоз» трестининг «Тошкент сув таъминоти» шўъба корхонаси Энергоресурсларнинг нархи ошганлигини инобатга олиб, 2009 йил 1 апрелдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қилади: Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 115 сўм 50 тийин, ҚҚСсиз Оқва сув бўйича — 1 м³ учун 72 сўм 70 тийин, ҚҚСсиз

Телефонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Напр кўрсаткичи — 563. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4694 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-2. Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тур» кўчаси, 41-ўй. 2 5 6